# Қумқўрғон туман ҳокимлиги мажлислар залида туман ҳокими ҳамда битирувчи ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида, юртимизда ёшларга ратилаётган имкониятлар ва ундан фойдаланиб, муваффақиятга эришаётган ёшлар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, ёшларнинг таклифлари ва мурожаатлари ҳоким томонидан қабул қилинди. 2022-2023-ўқув йили якунида тумандаги 82 та умумтаълим мактабида таҳсил олган 3255 нафар ўқувчи 11-синфни тамомлади.

Учрашув давомида умумтаълим мактабларини аъло баҳолар ва намунали хулқ билан тамомлаб, юқори натижаларга эришган ўқувчиларга 35 та олтин, 3 та кумуш медал топширилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 22 нафар битирувчи ёшлар университетга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.